

5 – SON / 2023 - YIL / 15 - YANVAR

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ ВА ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Кушбаков Дилшод Мусурманкулович**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси  
ва криминология кафедраси катта ўқитувчиси юридик фанлар бўйича фалсафа  
доктори (PhD)*

**Вахобжонов Дилмурод Дилшод ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси  
ва криминология кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиши  
тартиби ва ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий асослари шунингдек аҳолини рўйхатга  
олиши айрим жиҳатлари норматив-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** рўйхатга олиши, паспорт, паспорт тизими, доимий прописка.

“Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда  
аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 5  
февралдаги ПФ-5655-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини самарали  
ташкил этиш, аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий ва методик принципларини,  
дастурий-техник таъминоти ва маълумотларни қайта ишлашнинг технологик  
жараёнларини синовдан ўтказиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий  
давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик  
кўриш ва уни ўтказиш жараёнларидағи масъулиятини янада ошириш вазифаси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилди.

Мамлакатимиз аҳоли сонини аниқ ҳисоблаб чиқиши уларнинг жинси, ёши,  
оилавий аҳволи, маълумоти, турмуш даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати,  
фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий-иктисодий хусусиятлари бўйича  
ягона маълумотлар базасини яратиш мақсадида, давлатимиз раҳбари томонидан  
“Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш  
концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”[1] ги фармон имзоланди.

Мазкур Фармон мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилажак асосли ва  
ишончли маълумотлар базасини яратиш, республикадаги ижтимоий вазиятга янада  
ойдинлик киритишга хизмат қиласди.

2020 йилнинг 16 март куни эса Президентимиз томонидан “Аҳолини рўйхатга  
олиши тўғрисида”ги Қонуни, 2020 йилнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини  
рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  
710-сон қарори тасдиқланди[2].

Қонунга кўра, аҳолини рўйхатга олиш — Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ёки унинг муайян худудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иктисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни.

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш аҳоли ҳақида ахборот тўплашнинг энг кенг кўламли ва кўп мақсадли тадбиридир. Маълум бир санада аҳолининг аниқ сони (ёши ва жинси таркиби, фуқаролиги, миллий таркиби (кенг қамровли), барча аҳоли пунктлари бўйича сони, оиласи аҳволи, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, бандлиги (касби ва мутахассислиги) ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги бўйича батафсил маълумот олинади.

Давлатда қанча одам, қандай ижтимоий ва иқтисодий аҳволдалиги, қаерда истиқомат қилаётганлиги, турмуш ва оиласи тарзи, иш фаолияти ва бошқалар тўғрисида реал маълумот олишга ёрдам беради.

2020 йилда аҳолини рўйхатдан ўтказиш дастурлари 50 дан ошиқ давлатларда ўтказилиши режалаштирилган эди.

Улар орасида кўп сонли аҳолига эга мамлакатлар – АҚШ, Хитой, Россия, Япония, Бразилия, Мексика бор. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон аҳолисининг умуммиллий рўйхатги олиш ишлари ҳам 2020 йилга белгиланган эди. Ўзбекистон ва Туркманистонда эса 2022 йилда ўтказиш режалаштирилган.

Бироқ, дунё бўйлаб кузатилаётган короновирус пандемияси таъсири остида, аҳолини рўйхатдан ўтказиш умуммиллий дастурини 2020 йилда ўтказишни режалаштирилган давлатлар ушбу дастур ижросини бошқа вактга қолдиришига тўғри келмоқда.

Халқаро тажрибада, аҳолини рўйхатга олиш дастури давомида маълумотларни олиш ва саралаш ишларини замонавий технологиялар – электрон мосламалар ва Интернет тармоғи ёрдамида ўтказиш айни бугунги шароитда қўл келиши мумкин.

Масалан, Россия Федерацияси хукумати аҳолини рўйхатга олиш дастури доирасида фуқароларга мустақил равишда Gosuslugi.ru – Ягона давлат хизматлари портали орқали анкета тўлдириш имкониятини тақдим этмоқчи.

Шунингдек, муниципал ва давлат хизматларини кўрсатувчи кўп функционал марказлари орқали рўйхатдан ўтиш имконияти ҳам мавжуд бўлади.

Мамлакатимизда 2022 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбири анъанавий усулда, яъни рўйхатга олувчи шахслар томонидан худудларда уйма-уй юрган ҳолда, юзма-юз сухбат асосида, қофоз шаклидаги рўйхатга олиш варақаларини тўлдириш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси раиси Б.Бегаловнинг сўзларига кўра, интернет тармоғи орқали аҳолини рўйхатга олиш имконияти ҳам яратилади, аникроғи, хоҳловчилар ўzlари уйларидан ёки масофадан туриб, маҳсус

дастур орқали саволнома варақаларини тўлдирган ҳолда рўйхатдан ўтишлари мумкин бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олишнинг энг муҳим усууларидан бири бу – прописка институти ҳисобланади. Миграция – бу аҳолининг мамлакат доирасида бир жойдан бошқа жойга ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши бўлиб, ушбу жараённи хуқуқий тартибга солишда паспорт тизими, хусусан унинг прописка институти муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ҳозирда паспорт тизимининг асосий вазифаларидан бири сифатида фуқароларни белгиланган тартибда давлат органлари томонидан ҳисобга олиш (ҳарбий ҳисоб, миграция жараёнлари статистик ҳисоби, маълум бир ҳудудда истиқомат қиласидиган аҳолининг миқдори ва таркиби ҳисоби)нинг белгиланиши, миграция жараёнларини хуқуқий тартибга солишда унинг аҳамиятини очиб беради.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларни ўрганиш натижалари аксарият МДХ давлатлари: Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистонда илгари мавжуд бўлган “прописка” институти бекор қилиниб, ўрнига «регистрация» ёки ҳисобга олишнинг бошқа турлари (ҳайдовчилар, солик тўловчилар рўйхати) жорий этилганлигини кўрсатмоқда.

Бироқ мамлакатимизда мазкур институт ҳали ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аҳолини прописка институти ёрдаида рўйхатга олиш биринчидан, ишчи кучини мамлакат ҳудудида тенг тақсимлаш орқали давлат иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришини самарали режалаштириш, иккинчидан, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Республика бўйлаб ҳаракатланишни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан белгиланган[3].

Унга кўра фуқаролар республика бўйлаб доимий ёки вақтинча яшаш жойида рўйхатдан ўтишлари шарт. Вақтинча рўйхатдан ўтказиш шахснинг муайян яшаш жойида бўлиш муддатида (3 кундан кўпроқ муддатга турадиган бўлса) амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида бошқа жойга олти ойдан ортиқ муддатга борадиган фуқаролар аввалги яшаш жойидан рўйхатдан чиқишилари шарт, хизмат сафарига, таътилга, ўқишига ва даволанишга борадиган фуқаролар бундан мустасно.

Фуқарони рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан чиқариш ички ишлар органи томонидан амалга оширилади. Меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар ва дам олиш уйларининг масъул ходимлари бу ерларга жойлашган, рўйхатдан ўтиши лозим бўлган шахслар бўйича анкета-аризаларни ҳисобга олиш учун бир сутка ичida ушбу муассасалар жойлашган ҳудуддаги манзил-маълумотнома бюросига жўнатишлари шарт.

Ички ишлар идоралари ҳар ойда камида бир марта худудий статистика идораларига фуқароларнинг рўйхатдан ўтиши – рўйхатдан чиқиши хақида маълумотнома жўнатади.

Фуқаро яшashi мўлжалланаётган жойга доимий рўйхатдан ўтиши учун қуидагиларни тақдим этади:

- белгиланган шаклдаги ариза;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти;
- туғилганлик хақида гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган, ота-онасидан, васийларидан ёки ҳомийларидан алоҳида яшайдиган шахслар учун);
- турар жой ҳужжатлари;
- давлат божи тўланганлиги хақида квитанция.

Ҳали 16 ёшга тўлмаган ва ота-оналари (васийлари, ҳомийлари) билан бирга яшайдиган болаларни рўйхатдан ўтказиш туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бўйича улар ҳақидаги маълумотларни уй дафтарларига (рўйхатдан ўтказиш карточкаларига) киритиш орқали амалга оширилади.

Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларида рўйхатдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқаролар янги яшаш жойига келгандан сўнг уч иш куни мобайнида ҳужжатларини рўйхатдан ўтиш учун келган жойларидағи ички ишлар органларининг бўлинмаларига топширишлари шарт. Бир нечта уйга ёки хонадонга эга бўлган мулкдор улардан фақат биттасигагина доимий рўйхатдан ўтиши мумкин.

Белгиланган тартибда хорижга доимий яшаш учун чиқиб кетган, шунингдек вақтинча хорижда бўладиган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларида доимий ёки вақтинча консуллик рўйхатига олинадилар.

Хорижга доимий яшаш учун чиқкан ва хорижга доимий яшаш учун чиқишиларини белгиланган тартибда расмийлаштирган фуқаролар вақтинча консуллик рўйхатига олинадилар. Фуқаро ўзи бораётган мамлакатга қонуний тарзда ва олти ойдан ортиқ муддатга келган тақдирда, у вақтинча консуллик рўйхатига олинадилар.

Хорижга хизмат сафарига, ўқиши, даволаниш ва шартнома бўйича ишлашга чиқкан ва хорижга вақтинча чиқишиларини белгиланган тартибда расмийлаштирган фуқаролар вақтинча консуллик рўйхатига олинадилар. Фуқаро ўзи бораётган мамлакатга қонуний тарзда ва олти ойдан ортиқ муддатга келган тақдирда, у вақтинча консуллик рўйхатига олинадилар.

Агар фуқаролар доимий яшаш, иш, ўқиши ёки хизмат сафари жойи ўзгариши муносабати билан олти ойдан ортиқ муддатга Ўзбекистон Республикасининг бошқа консуллик муассасасининг консуллик округи худудига кўчиб ўтишса, илгари турган жойларидағи консуллик рўйхатидан (доимий, вақтинча) чиқишилари ва янги келган жойларида консуллик рўйхатига олинишлари лозим.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фуқароларни рўйхатга олишнинг ўзига хос тартиби мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган

шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги қонуни тартибга солинган. Қонун талабларига асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қўйидаги 12 категориядаги шахслар доимий рўйхатдан ўтиш асосида яшаш хуқуқига эга.

Доимий прописка қилиш ичкни ишлар органлари томонидан амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва хуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида фуқаронинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудининг муайян жойида яшashi фактини аниқлашни назарда тутади.

Доимий прописка фуқароларга доимий ижтимоий кафолат (мехнат қилиш, мулкка эгалик қилиш, пенсия таъминоти, таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш) тақдим этади.

Ходимларини 11-банд асосида прописка қилиш учун илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган бўлиб, улар бугунги қўйидаги 64 тани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакида”ги 41-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобдан ўтиш асосида вақтинчалик яшашлари мумкин[4].

Фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олиш фуқарони доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан беш кундан олти ойгача муддатга (ўқиш учун таълим муассасасига келган шахслар учун — ўқиш даврига) амалга оширилади ҳамда бу Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турар жой сотиб олиш, шунингдек доимий ишга ва ижтимоий кафолатларга эга бўлиш учун асос ҳисобланмайди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига беш кундан ортиқ бўлмаган муддатга келган фуқаролар ҳисобга олинмайди.

Ҳисобга қўйилган фуқаро ҳисобга олиш муддатидан ортиқ бўлмаган даврда вақтинча ишга эга бўлиш хуқуқига эгадир.

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналарга, даволаш муассасаларига, санаторийларга, дам олиш уйларига ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга келган фуқароларни ҳисобга олиш ушбу муассасаларнинг маъмурияти томонидан, улар келганларидан кейин уларнинг бу ерда бўлиш муддатидан ва келишининг даврийлигидан қатъи назар, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

**5 – SON / 2023 - YIL / 15 - YANVAR**

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган фуқаролар келган кунидан бошлаб беш кун муддатда ўзи вақтинча турган жойдаги туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (бўлинмасига) тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. <https://aniq.uz/yangiliklar/aholini-ruyxatga-olish-nega-kerak>;
2. <https://lex.uz/docs/4766082>
3. <https://lex.uz/docs/1729272>
4. <https://lex.uz/docs/4672438>